

**Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!**

# Turkiston

1925-yildan chiqa  
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati  
Markaziy Kengashining nashri

[www.turkiston.uz](http://www.turkiston.uz)

2013-yil 25-sentabr, chorshanba  
№ 74 (15712)

Navqiron avlod so'zi

## Шу юрт фарзандиман, фурурим баланд!

Шу пайтга қадар шахмат туфайли кўплаб хориж давлатларида бўлдим. Маҳоратли шахматчилар билан ҳам беллашдим. Уларни мағлуб этиши, ўзим иштирок этган мусобақаларда голиб бўлиш бахти менга насиб этди.

Ўтган йигирма икки йил давомида истиқолол нафаси уфуриб турган шу азиз юртда мустақиллик неъматидан баҳраманд бўлиб, қатор ютуқларга эришдим. Ҳар сафар бу ҳақида гапирганимда, Ўзбекистонда туғилиб ўсганимдан фуурулнаман.

Болалигим Жиззах вилоятининг Арнасой туманида ўтган. Ўқувчилик давримни эса пойтахтда ўтказдим. 1998 — 2008 йилларда Тошкент шаҳридаги 106-заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатида ўқидим. Мақсадим сари олға интилишдан тўхтамадим. Шукрки, жонахон Ватанимиз биз, фарзандларини ўз бағрида ҳеч кимдан кам қўлмай улғайтироқда.

Беш ёшимдан шахмат билан шуғулланаман. Юртимиздаги бекиёс имконият, таълим ва спортга қаратилган эътибор ҳамда устозларим меҳнати ўз самарасини бермоқда. Тўқиз ёшимда тенгдошларим ўртасида ўтказилган Тошкент шаҳар ва республика чемпионатида қатнашдим. Айнан ушбу мусобақалар кейинги муваффақиятларимга йўл очди. Ўн тўрт ёшимда Германиянинг Малента шаҳрида ICSC таснифида ёшлар ўртасида ўтказилган 1-жаҳон чемпионати голиби бўлдим. Орадан тўрт йил ўтиб, Швейцариянинг Галент шаҳрида ташкил этилган ёшлар ўртасидаги 2-жаҳон чемпионатида ҳам зафар қозондим. Сўнгра касб-хунар коллежига ўқишига кирдим. Унда компьютер дастурлаш ўйналиши бўйича уч йил таҳсил олдим.

Бугун эришган ютуқларимни сарҳисоб қиласканман, Ватанимиздан, бизга юксак эътибор қаратаетган Юртошимииздан миннатдор бўламан. Агар яхши ўқишим учун бундай замонавий шароитлар, эътибор ва ғамхўрликлар бўлмаганида, дунё кўриб, тенгдошларимга ўз салоҳиятимни намоён этолмаган бўлардим.

Тошкент давлат педагогикауниверситетида таҳсил олайгман. Бу ҳам бир муваффақиятим. Олдимда мақсадларим улкан. Шахматта меҳри баланд ука-сингилларимга яхши сабоқ берив, уларнинг-да катта ютуқларини кўрсан, дейман.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо экан, мен каби ёшлар ўз мақсадларига, албатта, эришишига ишонаман.

**Сирохиддин ЗАЙНИДДИНОВ,  
шахмат бўйича жаҳон чемпиони**



Сардор Мулажонов фотоколлажи

## Mit.uz — соғлом ахборот макони

Kun mavzusi

Кеча пойтахтимиз Тошкентдаги муҳташам «Туркистон» санъат саройида анъанавий «InfoCOM — 2013» ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ёшлар ўртасида «MIT.uz» — миллӣ интернет танлови голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда масъул вазирлик, идора ва муассасаларнинг раҳбарлари, танлов голиблари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Олий Мажлис Конунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Вазирлар Маҳкамасининг Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштируви кенгashi, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси ҳамда «CIB GROUP» компанияси томонидан ўтказилаётган АҚТ ҳафталиги давомида Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича миллӣ саммитни ўтказиш, UZ — 2013 миллӣ домени интернет фестивали якунлашригини сарҳисоб қилиш,

ёшлар ўртасида «MIT.uz» — миллӣ интернет танлови голибларини тақдирлаш, «ICT Expo» ахборот технологиялари халқаро кўргазмаси, Ўзбекистонда интернет-провайдинг ва миллӣ контентни ривожлантириш масалаларига оид давра сұхбати, «Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жараёнларини қонуний тартибга солиш масалалари» мавзуда халқаро семинар ташкил этилмокда. Шунингдек, ёшлар ўртасида дастурий таъминот ишлаб чиқишибўйича «Best Soft Challenge» танлови голибларини ҳамда е-спорти бўйича «Uzbekistan Cyber Games — 2013» Ўзбекистон чемпионатининг финал босқичи бўлиб ўтди. Унда

АҚТ мутахассислари ва фойдаланувчилари мазкур соҳанинг сўнгги ютуқ ва янгиликларидан хабардор бўлишиади. Юрбошимиз раҳнамолигида ахборот соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар барча соҳаларга ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва янада ривожлантириш имконини бермоқда. Президентимизнинг жорий йил 27 июндаги тегишли қарори билан тасдиқланган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллӣ ахборот-коммуникация тизими ни ривожлантиришнинг комплекс дастури қабул қилиниши мамлакатимиз ахборот ресурслари, тизим ва тармоқларининг ривож-

ланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда интернет дунёда шиддат билан ривожланаётган ахборот технологиялари тизимининг бир бўлгаги ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам ушбу соҳа ривожига қаратилаётган эътибор туфайли юртимизнинг олис худудларига ҳам интернет кириб борди. Шу боис биз уни турли қарашлар, фикр ва гоялар кесишган виртуал макон сифатида қабул қилияпмиз. Бу эса, интернет тармоғидан ишончли ахборот олишни, миллӣ ресурсларни янада бойитишни ва миллӣ руҳда акс этирилган сайtlарни кўпайтиришни тақозо этади.

(Давоми 2-бетда)

## Hududlardan mujdalar

**Самарқанд давлат университетида «Халқаро қушларни ўрганиш» мавзууда конференция бўлиб ўтди.**

Университетдаги «Камолот» ЁИХ бошлангич ташкилоти ҳамда Ўзбекистон қушларни ҳимоя қилиш жамияти ҳамкорлигига ўтказилган конференцияда Туркистон оқлайлаги, қалдирғоч, каккува тилларанг қарқунок каби қушларнинг ҳудудимизда кўпайиши ҳамда уларнинг фойдали томонларини ўрганиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Тадбир давомида ноёб қушларга бағишинанган бир нечта йўналишда танлов ўтказилди. Унда Самарқанд давлат университетининг филология факультети талабалари голиб бўлишиди.

\*\*\*

**Самарқанд шаҳридаги 13-мактабда «Ёшлар ва қонун» тарғибот лойиҳаси доирасида давра сұхбати бўлиб ўтди.**

Ҳаракатнинг Самарқанд шаҳар кенгаси ташаббуси билан вилоят адлия бошқармаси, шаҳар ИИБ, шаҳар прокуратураси ҳамда шаҳар ҳокимлиги хузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича доимий комиссия ҳамкорлигига ўтказилган тадбирда ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ва амалга оширилган ишлар кўлами тушунирилди. Шунингдек, давра сұхбатида ёшлар орасида ҳукуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш хусусида сұхбатлашилди.

**Ҳаракатнинг Фиждувон туманидаги 66 та мактаб, 12 та касб-хунар коллежи, ўнта корхона ва ташкилотлардаги бошлангич ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда ўз ишига бефарқ бўлган айrim бошлангич ташкилотлар етакчиларининг ўрни фаол ва интиувчан етакчилар билан тўлдирилди. Ҳисобот-сайлов йиғилишарида 35 та мактаб, бешта касб-хунар коллежи, тўртта корхона ва ташкилотдаги бошлангич ташкилотлар етакчилари янгидан сайланди.

**Бойсун туманидаги 47-мактабда «Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати» мавзууда расмлар танлови ўтказилди.**

Танловда Ҳаракатнинг Бойсун тумани кенгаси ва бошқа ташкилотлар вакиллари ҳамда ёшлар қатнашди. Танлов сўнгидаги туманидаги 1-мактаб ўкувчиси Зинола Хайруллаева биринчи ўринни кўлга киритди.



## соғлом аҳборот макони

**(Давоми, боши 1-бетда)**

Илк бор ўтказилаётган миллий интернет танлови ҳам глобаллашув шароитида ёшларга мўлжалланган энг яхши интернет-ресурсларни яратиш, таълим-тарбияга хизмат қилувчи, хавфсиз ва аҳборот маданияти талабларига мос интернет муҳитига эга аҳборотлашган жамиятни ривожлантиришга қаратилган йирик медиалойиҳа бўлиб, у «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан жорий йилнинг 1 мартадан 1 августига қадар давом этди.

«Соғлом аҳборот муҳити сари» шиори остида ўтказилган мазкур танловнинг яна бир мақсади — ёш веб-дизайнер ва дастурчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан кўллаб-куватлаш, уларнинг кейинги фаолиятини самарали ташкил этишга кўмаклашиш, миллий интернетнинг ёшлар учун мўлжалланган сегментини кенгайтириш ва ривожлантиришдан иборат эди. Шу боис танловни ёшлар орасида кенг оммалаштириш учун Ҳаракат томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Миллий университетида видеоконференция шаклида ташкил этилган миллий интернет танловининг тақдимотида юртимизнинг барча худудидан ёш дастурчилар, веб-дизайнерлар, интернет сайтлари муаллифлари иштирок этди. Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишинан ёшлар фестиваллари доирасида «Биз соғлом аҳборот муҳити тарафдоримиз!» шиори остида миллий интернет танловининг тарғибот акциялари ўтказилди.

— Танловда ўн тўрт ёшдан ўттиз ўшгача бўлган, маҳаллий ва хорижий доменларда рўйхатдан ўтган, ўзбек ва чет тиллардаги веб-сайтлар дизайнёrlари, журналистлар, фотомухбирлар ва бошқа ҳаваскор ижодкорлар иштирок этди, — дейди «Mit.uz» — миллий интернет танлови муаллифи, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашининг интернет лойиҳалари координатори Алишер Тоҷиев. — Танловга тақдим этилган ижодий ишларнинг 225 таси интернет сайтидир. Эътиборли жиҳати шундаки, уларнинг етмишфоизи олий таълим мусассасалари талабалари томонидан тайёрланган бўлиб, олтмишфоиздан зиёди жорий йилда ишга туширилган сайтлардир. Интернет сайтлари бир-бирини тақрорламайди. Ҳар бирининг ўз戈яси бор. Уларнинг асосий мақсади Ўзбекистоннинг бой маданийтини интернет орқали дунёга кўрсатишdir. Такдим этилган ижодий ишларнинг етти юзасини фото, видеоролик ҳамда фотожамланмалар ташкил этди.

Шунингдек, хорижий ва маҳаллий ижтимоий тармоқларда танловнинг мазмун-моҳиятини тушуниришга қаратилган алоҳида саҳифа яратилиб, муҳокамалар ташкил этилди. Миллий интернет танловини янада самарали ташкил этиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан танловнинг www.mit.uz расмий веб-сайти ишга туширилди. Миллий интернет танлови жараённида info@mit.uz электрон манзилига келиб тушган уч юздан ортиқ саволларга жавоб берабор борилди.

Танловга «Ўзбекистоннинг бой маданияти ва санъати, тарихи ҳамда истиқлол

гоялари ва маънавий қадриятларини ёритувчи энг яхши сайт», «Йил мазмунига доир энг яхши сайт», «Махалла, қишлоқ ва шаҳарлардаги фаровон ҳаётни ёритган энг яхши сайт», «Махалла, қишлоқ ва шаҳарларнинг энг яхши фотосурати», «Ёшлар иштирокида ўзбек мумтоз шеърияти ва адабиётини кенг тарғиб этган энг яхши ролик», «Ўзбекистоннинг сайёхлик салоҳиятини ёритувчи энг яхши сайт», «Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини ёритувчи энг яхши сайт», «Энг яхши янгиликлар сайти», «Ўзбекистон табииати ва тарихий ёдгорликлари акс этган, компьютер ва бошқа электрон ускуналарга ўрнатишга мўлжалланган интернет тармоғидаги энг яхши фотожамланма», шунингдек, «Давлат тилидаги энг яхши сайт», «Иккى тилда яратилган энг яхши сайт», «Мобил алоқа воситалари учун мўлжалланган энг яхши сайт ёки кўшимча дастур», «Энг яхши дизайн», «Фойдаланувчилар фикрига кўра энг яхши сайт» номинациялари бўйича 1002 та ижодий иш тақдим этилди.

— Танловда ўн тўрт ёшдан ўттиз ўшгача бўлган, маҳаллий ва хорижий доменларда рўйхатдан ўтган, ўзбек ва чет тиллардаги веб-сайтлар дизайнёrlари, журналистлар, фотомухбирлар ва бошқа ҳаваскор ижодкорлар иштирок этди, — дейди «Mit.uz» — миллий интернет танлови муаллифи, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашининг интернет лойиҳалари координатори Алишер Тоҷиев. — Танловга тақдим этилган ижодий ишларнинг 225 таси интернет сайтидир. Эътиборли жиҳати шундаки, уларнинг етмишфоизи олий таълим мусассасалари талабалари томонидан тайёрланган бўлиб, олтмишфоиздан зиёди жорий йилда ишга туширилган сайтлардир. Интернет сайтлари бир-бирини тақрорламайди. Ҳар бирининг ўз戈яси бор. Уларнинг асосий мақсади Ўзбекистоннинг бой маданийтини интернет орқали дунёга кўрсатишdir. Такдим этилган ижодий ишларнинг етти юзасини фото, видеоролик ҳамда фотожамланмалар ташкил этди.

Нигора Мирзаҳмедова яратган www.kitob.uz сайти миллий интернет танловининг «Ўзбекистоннинг бой маданийти ва санъати, тарихи ҳамда истиқлол

инсонлар компьютердан фойдаланиши мумкинми? Ажабланманг! Эндиликда улар ҳам самарқандлик ёш ихтирои Ҳусан Иброҳимов яратган янги дастур ёрдамида компьютерда ишлашлари мумкин. Гап шундаки, у клавиатура ёки сичқонча ёрдамида эмас, балки овоз орқали бошқарилади. Асосан, имконияти чекланган, жамиятдан ажралиб қолган инсонларнинг аҳборот технологияларидан фойдаланишига мўлжалланган ушбу дастур ўзбек, рус, инглиз тилларида ишлайди. Янги дастур ёрдамида компютердаги барча дастурларда ишлаш мумкин. Ҳатто интернетда ҳам Ҳар бир вазифа дастурга киритилган матнлар ёрдамида олиб борилади. Ҳозирда ўттиз тўрт мингга яқин матн IbragimovRN деб номланган янги дастур хотирасига киритилган. Тошкент аҳборот технологиялари университети талабаси эса митти робот ҳамда «Спайдер» номли учар технологияни илгари сурмоқда. Тақдирлаш маросими аввалида ташкил этилган кўргазмада ёш дастурчиларнинг ана шундай веб-ишланма ва дастурий таъминотлари ҳамда фотоижодкорларнинг энг сара ижодий ишлари намоиш этилди.

Ҳаяжонли дақиқалар ҳам бошланди. Бирма бир «Mit.uz» — миллий интернет танловининг асосий тўқизита ҳамда бешта кўшимча номинацияларининг уч нафардан совриндори саҳнага тақлиф этилди. Миллий интернет танлови голибларига диплом ва ҳамкор ташкилотларнинг замонавий телевизор, ноутбук ва планшетлари топширилди.

Нигора Мирзаҳмедова яратган www.kitob.uz сайти миллий интернет танловининг «Ўзбекистоннинг бой маданийти ва санъати, тарихи ҳамда истиқлол

икки мингдан ортиқ адабиётларнинг электрон версиясини ўқиш ва кўчириб олиш мумкин. Сайтга аудиоэртаклар ҳам жойлаштирилган. Ундан илмий-услубий қўлланмалар, турли сценарийлар, ҳатто рефератларни ҳам олиш мумкин.

Азамат Равшонов тақдим этган tuzeyart.uz сайти нафакат Ўзбекистон аҳолисига, балки дунёга юртимиздаги музейлар ҳақида хабар беради. Ушбу сайт орқали ўзбек амалий санъатига оид 7554 та экспонат билан танишишиниз мумкин.

— Бизнинг сайт ўн учта бўйлимдан иборат, — дейди танлов голиби Азамат Равшонов. — Ҳар бир бўйлим ўзига хос йўналишларга эга. Масалан, «Зардўзлик» бўйимида ўзбекистонлик зардўз-усталарнинг энг сара ижод намуналари ўрин олган. Бундан ташқари, сайт орқали юртимизда яқин уч йилда бўлиб ўтган амалий санъат кўргазмалари ҳақида ҳам маълумот олиш мумкин. Танловда итироқ этишдан мақсадим ушбу сайт орқали ўзбек миллий ва амалий санъатининг ривожланиш тарихи ҳақида ўкувчиларга маълумот беришидир.

«Энг яхши янгиликлар сайти» номинациясига www.uz24.uz янгиликлар сайти муносиб деб топилди.

— Сайтимиз уч тилда олиб борилади, — дейди uz24.uz янгиликлар сайти бош мухаррири Аброр Исмоилов. — Обод турмуш иилида янгиликлар орқали Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаётини ёритиш, фуқаролар ҳукукий саводхонлигини оширишга асосий ётибор қаратдик. Шу фурсатдан фойдаланиб, «Mit.uz» — миллий интернет танловининг барча ташкилотчиларига миннатдорлик билдираман. Келгусида интернет фойдаланувчиларига хабарларни янада тезкор, сифатли етказиб беришга ҳаракат қиласиз.

Тадбирда танлов совриндорларининг сайтиларида йўналишидан келиб чиқиб, тегишли давлат ташкилотларига биринчирилган ҳолда кўллаб-куватланиши ва ривожлантирилиши белгиланди.

**Рустам ЮСУПОВ, «Turkiston» мухбари.**  
Сардор Мулажонов олган суратлар

... Кўлидан маҳрум бўлган

# Энг яхши бизнес лойиҳага имтиёзли кредит

Абдулатиф Жалолдинов «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» ҳамда «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» танловларининг республика босқичида «Энг ёш тадбиркор» номинацияси галиби бўлди. Ўн етти ёшни қаршилаган андижонлик тенгдошимиз «Олма толқони» бизнес лойиҳаси бўйича «Асакабанк»нинг саккиз миллион сўм имтиёзли кредит олиш имкониятини берувчи сертификатига эга бўлди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида мазкур танловларининг якуний босқичи голибларини тақдирлаш маросимида Абдулатиф каби қирқ тўрт нафар тенгдошимиз имтиёзли кредит олиши маълум бўлди. Улар «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» ҳамда «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» танловларининг республика босқичи доирасида ўтказилган ўкув оромгоҳида қатнашган тўқсон беш нафар иштирокчи орасидан энг яхши ва самарали деб топилган бизнес лойиҳалар эгаларидир.

2008 йилдан бўён «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ўтказилаётган «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» ҳамда «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» танловлари ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Микрокредитбанк» ОАТБ ҳамда «Агробанк» ОАТБ хамкорлигида амалга оширилмоқда. Ўтган йиллар давомида етти минг нафардан ортиқ ёшларга тижорат банклари томонидан ўттиз миллиард сўмга яқин микрокредитлар олишга кўмаклашилди. Лойиҳалар давомида 165 нафар ёш тадбиркорнинг 105 миллион сўм миқдордаги кредит фоизлари Ҳаракат томонидан тўлаб берилди.

— Ўтган йили «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» ҳамда «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» танловларининг республика босқичида саксон тўрт нафар иштирокчи қатнашган бўлса, бу йил уларнинг

сони яна ўн биттага кўпайди, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгashi бўлим мудири Фазлидин Баркашбоев. — Улар учун Бўстонлиқ туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида ташкил этилган беш кунлик ўкув оромгоҳида малакали мутахассислар томонидан тадбиркорликнинг хуқуқий асослари тушунирилиб, зарур тавсиялар берилди. У ерда танлов иштирокчилари бизнес режаларини тренерлар иштироқида қайта мустахкамлаб, ҳакамлар ҳайъати олдида ҳимоя қилишди. Йилдан йилга мазкур танловларининг нуфузи ва қўлами кенгайиб бораётпти. Бу йил мазкур танлов лойиҳаларимизга «Асакабанк», «Қишлоққурилишбанк», «Ипотекабанк» ҳамкор сифатида кўшилди.

«Ёш тадбиркор — юртга мададкор» ҳамда «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» танловлари ҳақида ёшларни хабардор этиш, тадбиркорликка жалб қилиш, бизнес режаларини ишлаб чиқиша Ҳаракатнинг худудий кенгашларида фаолият юритаётган «Ёш тадбиркор» консультатив марказларининг ўрни алоҳида. Шу сабаб ўкув оромгоҳида ушбу марказлардаги тренерларнинг малакасини ошириш учун алоҳида дастур асосида семинар-тренинглар ташкил этилди.

— Бу йилги бизнес режаларнинг савияси анча баланд, — дейди лойиҳа бош тренери Алишер Исломов. — Сўнгти пайтларда жойлардаги «Ёш тадбиркор» консультатив марказларининг коор-

динатор ва тренерлари тизимили равишда ишлаётгани боис, бизнес лойиҳалар хам яхши ишланяпти. Олдинлари кўпроқ чорвачилик, тикувчилик, хизмат кўрсатиш бўйича бизнес лойиҳалар тақдим этилган бўлса, бугунги иштирокчилар тузган бизнес лойиҳалар орасида барча соҳаларга оид режаларни кўриш мумкин.

... Ҳаяжонли дақиқалар. «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгashi, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Микрокредитбанк», «Агробанк», «Асакабанк», «Қишлоққурилишбанк», «Ипотекабанк»нинг масъул ходимлари иштироқида «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» ҳамда «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» танловлари голибларига ташкилотчиларнинг диплом ва эсадлик совғалари тантанали радишида топширилди. Шунингдек, танловда «Энг яхши экологик тоза маҳсулот» ўйналишида бухоролик Шерзод Раҳмонов, «Қишлоққоҳа» хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириши ўйналишида наманганлик Жавлон Раҳматуллаев, «Энг яхши инновацион лойиҳа» ўйналишида Тошкент вилоятидан Илҳом Исоқов, «Касаначилик асосида энг кўп иш ўринлари яратган тадбиркор» ўйналишида самарқандлик Чарос Саъдullaева, «Энг ёш тадбиркор» ўйналиши бўйича андижонлик Абдулатиф Жалолдинов галиб деб топилди.

Бу йилги танловларда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтироқчи бўлган ёшлар

ҳам кўп. Улардан бири Гулбахор Руҳиддиновадир. У Паркент туманидаги «Баҳор илхоми» оиласиги корхонаси раҳбари. Тенгдошимиз Паркент тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежини тутагиб, бир неча текстил фабрикаларда тажриба ортирган. Айни кунда у бошқа раҳбарлик корхонада йигирма хилда болалар кийимлари тайёрланмоқда.

— Корхонамиз иш бошлаганига иккى ой бўлаяпти, — дейди Гулбахор Руҳиддинова. — Шу вақт мобайнида бешта мактаб ўкувчилари, ўнта болалар боғчаси тарбияланувчилари либослар тикиб бердик. Корхонамиздаги қирқ нафар ишчи-ходимимизнинг ярми коллажлар битирувчилари. Бугун «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» танловида «Замонавий технологиялар асосида болалар кийимларни ишлаб чиқариш» лойиҳаси билан қатнашиб, имтиёзли кредит олиши арафасидаман. Кредитга либосларга гул туширувчи тикув машинасини сотиб олмоқчиман. Мақсадим — маҳсулотларим билан жаҳон бозорига чиқиши.

Тадбирда ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Голибларни тантанали тақдирлаш маросими таникли санъаткорлар иштироқидаги концерт дастури билан якунланди.

**Рустам ЮСУПОВ,  
«Turkiston» мухбари.  
Сардор Муллахонов  
олган суратлар**

**Санжарбек Мансуров,  
танлов галиби. Тўракўргон  
туманидаги «Ал-Мансур» оиласиги  
корхонаси раҳбари:**



— Тадбиркорлик менга бегона эмас. Бир йилдан бўён кишига ва кузги курталарнинг уч-тўрт хилини тайёрлаб келаман. Ушбу танлов орқали тадбиркорлик фаолиятимни янада ривожлантириш имкониятига эга бўлдим. Бунда «Асакабанк»нинг имтиёзли кредити кўмаклашадиган бўлди. Маҳсулотларимиз улугуржи бозорлар орқали харидорларга етказилмоқда. Кўпроқ буюртма асосида ишлаймиз. Шу боис танловга «Сиз хоҳлаган кийим» номли лойиҳам билан қатнашдим. Бизнинг корхона ким қандай буюртма таклиф этса, ўшандай маҳсулотни тайёрлаб бериш имкониятига эга. Бўстонлиқ туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида ташкил этилган ўкув оромгоҳида тадбиркорликнинг меъбери-хукукий асосларини ўрганиб, юртимизда ёш тадбиркорлар учун яратилаш ўтган имконият ва шароитлар ҳақида атрофича маълумотга эга бўлдим.

**Зебо Кўлдошева,  
Самарқанд давлат архитектура ва  
курилиш институти талабаси:**



— Ушбу танловда қатнашиш менга катта мактаб бўлди. Олдин маҳсулотни ишлаб чиқаришни билсам-да, тадбиркорлик сирларидан беҳабар эдим. «Камолот»нинг мазкур иккى лойиҳаси орқали тадбиркор қандай бўлиши кераклигини билиб олдим. Энди имтиёзли кредит ёрдамида маҳаллий хомашёлардан фойдаланган холда мустахкам курилиш материаларини ишлаб чиқармоқчиман. Жомбой туманида ташкил этиладиган хусусий корхонамда, асосан, бетон, шлакоблок, брускатка ишлаб чиқарилади. Лойиҳамнинг янгилиги шундан иборатки, мен ишлаб чиқаридиган маҳсулотларда цемент сарфи тежалиб, иқтисодий самараадорликка эришилади. Маҳсулотлар бархан куми, цемент, шағал, сув ва волластонит тош кукуни аралашмасидан тайёрланади. Волластонит тош кукуни цементнинг ўттиз фоиз ўрнини босади.

**KELAJAKKA  
POYDEVOR**



## Hududlardan mujdalar

### ТОШКЕНТ ШАХРИ

Ўзбекистон Миллий университетида «Бирлашиб биз — катта кучмиз» тарғибот акцияси ўтказилди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан амалга оширилган тарғибот акциясида мазкур жамғарма ва марказ фоалияти, лойиҳалари ҳақида талаба-ёшлар кенгроқ таниширилди. Акцияда «Келажак овози» танлови голиблари, «Келажак овози» ёзги ўкув оромгоҳи иштироқчилари тенгдошлари билан мулоқотда бўлиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

**УЧКУПРИК ТУМАНИДАГИ 20-БОЛАЛАР МУСИКА ВА САНЪАТ МАКТАБИДА «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ВА «КАМАЛАК» БОЛАЛАР ТАШКИЛОТИ АЪЗОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Унда тумандаги мактабларнинг «Камолот» ва «Камалак» ёшига тўлган фаол ўкувчилари иштироқ этди. Тадбирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Камалак» болалар ташкилоти аъзолигига қабул қилинган иккى юз нафар ўкувчига «Камолот» ва «Камалак»нинг кўкрак нишонлари тантанали радишида тақилди.

**НАМАНГАН ШАХРИДА БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ҳаракатнинг Наманган шаҳар кенгashi, шаҳар бандилкка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда шаҳар прокуратураси ҳамкорлигида ўтказилган меҳнат ярмаркасида Наманган шаҳрида фаолият кўрсатаётган саксон тўққизга корхона, ташкилот ва муассаса бир минг иккى юзга яқин бўш иш ўрни билан қатнашди. Тадбир давомида мутахассислар томонидан меҳнат қонунчилиги, ижтимоий муҳофаза, турли имтиёз ва кафолатлар юзасидан фуқароларга зарур маслаҳат ва тавсиялар берилди.

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ИЗБОСКАН ТУМАНИ «ШЕРМАТОБОД» ҚИШЛОҚ ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИДА ЖОЙЛАШГАН 11-МАКТАБДА «КАМАЛАК» БОЛАЛАР ТАШКИЛОТИГА АЪЗОЛИК ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда ўн ёшга тўлган фаол, ташаббускор ўкувчилар «Камалак» болалар ташкилоти аъзолигига қабул қилиниб, уларга аъзолик кўкрак нишони тақилди.

# Долзарб мавзу экранда акс этади

Наманган вилоятидаги «Ёшлар маркази» томонидан «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши кўмагида «Никоҳ ёши» номли ҳужжатли фильм суратга олинганини. Бу асар ёшларнинг эрта турмуш қуриши муаммолига багишланган.

Янги ташаббус «Мустаҳкам оила — жамият тараққиётининг пойдевори» мавзуидаги ижтимоий лойиха доирасида амалга оширилмоқда. Жорий йилда ушбу лойиха Олий Мажлис ҳузуридан Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг грантлар танловида голиб бўлган эди.

Съёмка жараёнига таникли адиллар, санъат намояндалари, олимлар, маънавиятчи ва психологияр, турли соҳаларда юксак натижаларга эришган тенгдошларимиз ҳамда эрта никоҳ оқибатида турмуши бузилганлар иштирок этмоқда. Суратга олиш ишлари Наманганда бошланган эди. Яқинда ижодий гурӯҳ пой-



тахтга етиб келди.

— Ҳужжатли фильмни тарғибот воситаси сифатида тайёрлайпмиз, — дейди лойиха координатори, журналист Дилдора Алиназарова. — Эрта никоҳ мавзусини танлаганимиз бежиз эмас. Бу муаммо ҳозир жуда долзарб бўлиб туриди. Кейинги йилларда эрта никоҳнинг олдини олишга қаратилган кўплаб тадбирлар, аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида тушунтириши ишлари олиб борилмоқда. Биз тарғиботнинг янада таъсирчан усули сифатида мустақил фильм ишлашга қарор

қилдик. Унда «Йигит-қизлар неча ёшда оила қургани маъқул?» ва «Оила мустаҳкамлигига ёшнинг аҳамияти борми?» деган иккита савол ўртага ташланади. Саволларга турли соҳа вакиллари, эксперталар, ёшлар жавоб беради. Фильм давомида асосий ургу эрта турмушга чиқкан қизларнинг фикр-мулоҳазалари, ўй-кечинмаларига қаратилган. Улар ўз тақдирни ҳақида гапириб беришади. Томошабин эса шулар асосида ўзига тегишили хулоса чиқариш имконига эга бўлади.

Наманган «Ёшлар маркази» томонидан ютиб олинган «Мустаҳкам оила — жамият тараққиётининг пойдевори» мавзуидаги грант лойихаси вилоят «Камолот» чиларининг ёшлар билан боғлиқ бир қатор долзарб муаммолар профилактикасига қаратилган дастлабки йирик лойихасидир. Бу ҳақда марказ директори Шербек Усмонов шундай дейди:

— Лойиха ёшларни оилаславий ҳаётга тайёрлашга қаратилган. Шу мақсадда вилоят адлия ва соғлиқни сақлаш бошқармалари, му-

сулмонлар диний идораси, психологлар ассоциацияси билан ҳамкорликда ёшлар учун ўқув семинарларини ташкил қилияпмиз. Бу семинарларга ФХДЁ органларига ариза берган келин-куёвлар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, шунингдек, ўқиши тамомлаб, вақтинча ишсиз ёшлар таклиф қилинмоқда. Ҳозирга қадар уларнинг бир ярим минг нафари ўқув семинарларига жалб этилди. Ёшларга ёрдамчи материаллар сифатида лоийҳа мавзусига оид ўқув қўлланмаси, буклетлар ҳам тайёрланган. Бундан ташқари, ўқув семинарларида фойдаланиш учун айни кунда Наманган санъат коллежа ўқувчилари билан бирга «Андишли келин» спектаклини саҳналаштиряпмиз.

Режага кўра, шу йил охиригача «Никоҳ ёши» ҳужжатли фильмни суратга олиш жараёни ўз ниҳоясига етказилади. Келгусида уни ёшлар ўртасида олиб борилувчи тарғибот тадбирларида намойиш этиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, фильм диск шаклида Наманган вилоятидаги мавжуд 121 та ўрта маҳсус, касб-хунар таълими мусассаси ҳамда саккиз юзта маҳалланинг барчасига тарқатилади.

**Наргиза УМАРОВА,**  
**«Turkiston» мұхбири.**  
Сардор Муллахонов  
олган сурат

## Ранглар тилга кирганда...

**Ранглар — ҳассос табиат мўъжизаси.**  
Юрак мавжлари, нафис чизгилар, латиф бармоқлар муштараклигига чизилган тасвирий санъат асарлари неча асрлардан бери инсониятни ўзига маҳлиё этади.

Тенгдошимиз Ойзода Жуманиёз ёш бўлишига қарамай, яхши натижаларни кўрсатаётган мусавиirlардан. Унинг тасвирий санъатга қизиқиши уч-тўрт ёшлардан бошланган. Ўша пайтларда чизган суратларини томоша қилган киши Ойзоданинг болаликдан рангни тушуниш, уни ишлатиш борасидаги истеъодига гувоҳ бўлади.

Ёш мусавиirlар туман, шахар, республика миқёсида тенгдошлари ўртасида ташкил этилган тасвирий санъат асарлари кўргазмаларида қатнашиб, яхши натижаларни қўлга киритиб, мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этила бошлаганида еттиксакиз ёшларда эди.

Ойзоданинг ижодида ой ва юлдузлар, турли самовий жисмларга алоҳида ўрин ажратилган. У чизган картиналарда турли тимсоллар акс эт-



гани унинг сеҳрли ҳаёт тўғрисидаги теран фикрларини ифода этгандек гўё.

Аввал-бошда тасаввурни, дунёкараши асосида ижод қилган Ойзода Республика рассомлик коллежига ўқишига қабул қилингач, ижтимоий мавзуларда ҳам долзарб аҳамиятга эга суратлар чиза бошлади. Қўғирчоқ театри, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Республика эстрада-цирк коллежи учун ишлаган эскизлари ёш рассомга эътироф олиб келди.

Онаси — таникли рассом Гулнора Раҳмон Ойзоданинг иқтидорини болалигидаги чизгиларидан сезди ва унинг ўз устида ишлаши учун барча шароитларни муҳайё қилди. У мольберт ёнига келганида мўйқалам тутқазиб, рангларнинг сеҳрли оламига саёҳат қилиши учун имкон яратди. Ойзода болалигидан тасвирий сирларини сид-

ётган ютуқларида пойдевор вазифасини ўтаган, албатта.

Ранг-тасвирида озим кўпли ижод сирларидан боҳабар Ойзода мактабни тамомлагач, Республика рассомлик коллежида таълимни давом эттириб, коллежнинг дастгоҳли ранг-тасвири бўлнимини имтиёзли тамомлади. У коллежда ўқиши жараёнида ташкил этган кўргазмасида ўз намойиш этилган асарлари тўғрисида билдирилган фикрлар Ойзоданинг истеъодиди рассом эканини кўрсатиб турарди. Шундай бўлса-да, коллежда ўқиши жараёнида Ойзода устозлари — Бахтиёр Маҳкамов, Ҳусан Рашидовдан ранглар олами сиру синоатини ўрганишдан, ўз устиди ишлашдан чарчамади. Устозлари унга мойбўёқ билан «тиллашиш»ни пухта ўргатдилар.

Бугунги кунда Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтининг маҳобатли ранг-тасвири бўлимида таҳсил олаётган Ойзодадан ютуқлари тўғрисида сўраганимизда, у

маҳобатли ранг-тасвири сирларини ўргатаётган Нодир Шаобдурасулов, Александр Тюрин сингари устозлари сабоқлари туфайли чизган картиналари кўпчиликда яхши таассурот қолдираётганини сўзлади.

— Мен тасвирий санъатнинг бу йўналишини танлаб шуни тушундимики, деворий маҳобатли ранг-тасвири бошқа йўналишларга қараганда тубдан фарқ қиласидиган, анча мураккаб соҳа экан. Биз бу бўлимда мозаика санъати, сграффито ва яна бир қанча деворий ранг-тасвири асарларининг яратилиш услубларини ўрганяпмиз, — дейди Ойзода.

Тенгдошимизнинг ижод жараёнини кузартсанисиз, мато устиди енгил харакатланаётган бармоқлардан хосил бўлаётган тасвиридан қалбингизга жўшқинлик инади. Ранглар хосил қилаётган манзара сизни руҳий-мантиқий мушоҳадага чорлайди. Назаримизда, асил ижодкорнинг муваффақияти сири ҳам мана шунда.

**Нилуфар ҲАЙТОВА**

# Нафиса дуранг ўйнади

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида давом этаётган Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ Гран-присининг учинчи босқичи олтинчи тур учрашувлари якунланди.

Жаҳон шахмат усталирининг нуғузли мусобақасида юртимиз шарафини химоя қилаётган халқаро гросмейстер Нафиса Мўминова мазкур турда арманистонлик Элина Даниэлян билан рақобатлашиди. Учрашувда қора доналарда ўйнаган ҳамюртимиз ракибининг барча ҳужумларни бартараф этди ва узоқ давом этган партия 73-юришдан сунг дуранг натижага билан якунланди.

Хитойлик Цзю Венъцзюнь ўз ҳамюрти Чжао Сюэни, грузиялик Бела Хотенашвили россиялик Ольга Гирь-

яни, россиялик Александра Костенюк қозогистонлик Гулисхон Накбоевани, украиналик Екатерина Лагно болгариялик Антоанета Стефановани мағлубиятга уратди. Ҳиндистонлик Хампи Конеру ҳамда Харика Дроновалли баҳсида дуранг натижага кийд этилди.

Околари сонини икки яримтага етказган Нафиса Мўминова еттинчи турда Хампи Конеруга қарши оқ доналарда ўйнайди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**  
ЎзА мухбири



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

# Қишлоқдан чиқаётган чемпионлар

**Бухоро вилояти ҳақида гап кетганда, юртдошлиримиз бу заминни нафакат кўхна обидаларию жаҳонга машҳур алломалари, балки истиқлол йилларида барпо этилган муҳташам спорт иншотлари, таниқли спортчилари орқали ҳам яхши билади. Ҳусусан, дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони Ришод Собиров, бокс бўйича икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев, бадиий гимнастика бўйича қитъя мусобақалари голиблари Ҳусниябону Гуломова, Сарвина Холиковава, Замира Санакулова сингари иқтидорли спортчиларни билмайдиган, улар ҳақида эшитмаган юртдошимиз бўлмаса керак. Бу, шубҳасиз, юртимизда мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ болалар спортига қаратилган юксак эътиборнинг ёрқин ҳосиласидир.**

## ЁШЛАР ЧИНИҚАЁТГАН МАСКАНЛАР

Болалар спорти борасида Бухоро вилоятида кенг кўламда бунёдкорлик ишлари амалга ошириллати. Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Бухоро вилояти филиали ижрои директори Ўтқир Нажмиддиновнинг таъкидлашича, 2003 — 2012 йиллар давомида жамғрма томонидан вилоятда саксонта спорт иншоти курилиб фойдаланишга топширилган. Энг муҳими, бу объектларнинг олтмиш фоизи қишлоқ жойларда барпо этилган.

Илгари спорт мажмуалари саноқли, фарзандининг спорт билан шуғулланишини истайдиган ота-оталар ҳам шунга яраша эди. Бугун спорт умуммиллий ҳаракат миёсими олган. Буни фарзандларини кўлидан етаклаб спорт иншотларига келаетган ота-оналар мисолида яққол кўриш мумкин. Вилоятнинг Ромитан туманидаги «Челонгу» ҚФЙдаги «Хосса» маҳалласида курилган болалар спорт иншоти, Вобкент туманидаги «Паноб» ҳамда Фиждувон туманидаги «Гаждумак» маҳаллаларида спорт майдончалари уззукун болалар билан гавжум.

Улкан саъй-ҳаракатлар натижасида Бухоро туманидаги «Галаосиё», «Янги турмуш», «Туркон» маҳалла фуқаролар йигинлари, Когон туманидаги «Янги хаёт» қишлоқ фуқаролар йигини, Шофиркондаги «Зарчабек» маҳалла фуқаролар йигини, Қоровулбозор туманидаги «Бухорий» қишлоқ фуқаролар йигини, Жондор туманидаги «Жондор» шахарчасида, Ромитан туманидаги «Оромитан»

учун фидойиликни туккан спорт жонкуярларининг, юртимизда спортга қаратилаётган улкан эътиборнинг ёрқин самарасидир. Бундай спорт мажмуаларида ўтказилаётган мусобақалар ёшлар юрагидаги бу фамхўрикдан мамнуният ҳиссини оширимоқда.

Вилоятнинг турли худудларида жойлашган етмишдан ортиқ мактаб ва касб-хунар колледжлари, юздан зиёд мактабгача таълим муассасаларида спорт майдончалари таъмирланди.

## УЛАРНИ ЖАҲОН ТАЙИДИ

Бугун барпо этилаётган спорт иншотлари минг-минн



кишлоқ фуқаролар йигини, Пешкудаги «Малишояқ» қишлоқ фуқаролар йигинлари худудида барпо этилган спорт майдончаларидан болаларнинг шодон қийқириғи тинмайди. Уларда қизгин ёшлиқ нафаси уформокда. Ушбу спорт иншотларида ўтказилаётган мусобақалар нуфузи ҳам ошиб бормоқда. Бу, албатта, юрагига шуҳалқ ва фарзандлар келажаги

глаб спортсеварлар болалар тақдирида муҳим аҳамиятга эга. Зоро, иншотлар сонининг ортгани, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамлангани сари спорт билан мунтазам шуғулланувчи болалар сони ҳам йилдан йилга кўпайиб бормоқда. 2003 йилда вилоятдаги болаларнинг 69971 нафари спорт билан мунтазам шуғулланган бўлса, жорий йилга ке-

либ улар сони 343860 нафарни ташкил этди. Шундан 119154 нафари қишлоқ ёшларидир.

Илгари вилоятда спортнинг эътиборталаб турлари ҳисобланган бадиий гимнастика ҳамда сузишга ҳам бугун алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда вилоятда мослаштирилган бадиий гимнастика заллари 370 тага етгани амалга оширилган ишлар ҳақида етарли маълумот беради. 2012 йилда бадиий гимнастика билан шуғулланувчилар 5487 нафарни ташкил этган бўлса, бу йил улар сони 323 нафарга ошган. Сув спорти билан шуғулланувчилар 2003 йилга кадар ўтиз саккиз нафар бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич бўгун 240 нафарга етган. Шу йиринда айтиш жоизки, вилоятда сузиш бўйича ёшлар орасидан республика ҳамда халқаро мусобақалар чемпионларининг етишиб чиққани, шубҳасиз, соҳада кенг кўламли ишлар давом этаётганидан далолатdir. Чунончи, Ирина Ершова, Мехрибону Баҳронова, Зарина Рустамова, Зарина Эгамбердиева, Ширин Жунаевани бугун нафакат юртимизда, балки чет элда ҳам яхши билишади. Айниқса, синхрон сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Маржона Баротова, Вероника Нуриева ва Сабрина Ҳаётованнинг Малайзияда ўтказилган халқаро мусобақалардан шараф билан қайtgани мамлакатимиз спорти зарварақларига олтин ҳарфлар билан битилди.

## СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ ФАРЗАНД

Бухорода кейинги йиллarda қизлар спорти ҳам жадал суръатларда ривожланмоқда. Бунда малакали мураббийларнинг алоҳида ўрни бор. Айни пайтда вилоятдаги спорт иншотларида беш юз нафардан зиёд аёл мураббий, мактаб спорт залларида етти юз нафарга яқин аёл жисмоний тарбия фани ўқитувчилари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан бадиий гимнастика ва сузишга икки мингдан зиёд қишлоқ ёшлари жалб этилди. Ўн уч марта маҳорат дарслари ўтказилди. Чунончи, Бухоро шаҳридаги «Нафис» спорт мажмуасида Германиянинг таниқли «Rheinher Turherbund e.V. Bergisch Gladbach» спорт клуби аъзолари ўтказган маҳорат сабоқларида икки юз элликка

яқин ўш гимнастикачи ҳамда аёл мураббийлар иштирок этди. Умуман, вилоятда аёл мураббий-қадрларни тайёрлашнинг ўзига хос тизими ишлаб чиқилган. Бугунги кунда Бухоро давлат университетининг жисмоний тарбия факультетида етмиш нафардан зиёд аёл мураббийлар тайёрланмоқда. Бундан ташқари, вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида 246 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси ва аёл мураббий малакасини ошириди. Бу, албатта, юртимизда қизларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлиб ўсишини таъминлайди. Зоро, юртимизда оналиқ ва болаликни муҳофаза этиш борасида олиб борилётган ишлар замирда соғлом онадан — соғлом болағояси мужассамдир. Шу боис вилоятда қизларнинг спорт билан шуғулланишлари, уларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларига катта эътибор қаратилган. Чунки қизларнинг ёшлиқдан спорт билан шуғулланишлари жиддий эътибор бериш келажакда мамлакатимизда соғлом фарзандлар дунёга келишига сабаб бўлади.

## СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ АВЛОД

Спорт келажагимиз ворисларининг ҳар томонлама соғлом ва комил инсон бўлиб етишишида катта ўрин тутади. Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси мутахассислари томонидан ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, Бухоро вилоятида болаларнинг турли касалликларга чалиниши дарражаси жорий йилда 2011 йилга нисбатан 1,4 фоизга камайган. Спорт билан шуғулланувчи болаларнинг бўйи 2,9 сантиметрга ўсган, оғирлиги 3,8 килограммга ошган, кўкрак қафаси эса 3,5 сантиметрга кенгайган. Бундай ижобий кўрсаткичлар, албатта, жойларда болалар спортини ривожлантиришга, умуман, келажак ворисларига қаратилётган ҳар томонлама эътибор самарасидир. Жисмонан бақувват, руҳан тетик, маънан соғлом болалар бор экан, ўзбек спортиниң халқаро майдонлардаги ғалабалари шубҳасиз. Шунинг баробарида, ёш спортичиларимиз орасидан яна кўплаб Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпионлари етишиб чиқаверади.

**Лайло САТТОРОВА,  
«Turkiston» мухбири**

# Хуқуқий эксперимент: муҳим ва замонавий усул

Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгиланган вазифалар доирасида ишлаб чиқилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг хуқуқий эксперимент сифатида Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ўтказилаётгани ўтган олти ой мобайнида ўзининг ижобий самарасини бераётir. Маълумки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўзлари қабул қилаётган қарорларнинг сифати учун жавобгарлигини оширишга қаратилган мазкур лойиҳани тарғиб этиш, шакллантириш, аниқроғи, қонун кучига киритилиши таклиф этилган эди. Бугунги кунда лойиҳа натижаси хорижий эксперталарни ҳам қизиқтирияпти.

Хуқуқий тажрибани ўтказиш тартибиға мувоғик, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўз фаолияти очиқлигини таъминлаш бўйича маҳбуриятлари қатъий белгиланган. Ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси синови бўйича хуқуқий экспериментни ўтказиш қонунчилик фаолиятининг муҳим ва замонавий усулларидан биридир. Бундай усулдан ҳалқаро тажрибада кенг ва ҳар томонлама фойдаланилади. Ушбу усулни мамлакатимизда ҳам қўллаш ишлаб чиқилаётган қонунларнинг хуқуқий нормалари ҳаётйлиги бўйича илмий асосланган, давлат ва жамият курилиши амалиёти билан чуқур мувоғиклаштирилган тавсияларни олиш имконини беради.

Хуқуқий эксперимент доирасида Бухоро вилоятида амалга оширилаётган ишларга назар

ташлайдиган бўлсак, бугунги кунда ҳудуддаги 89 та давлат ҳокимияти ва бошқаруви органнида ахборот хизматлари ташкил этилиб, тегишли кадрлар бириктирилди ва уларнинг моддий-техника базаси шакллантирилди.

Ахборот хизмати идора ёки ташкилот фаолияти борасидағи ахборотларни жамоатчиликка тўғри ва ҳаққоний тарзда тақдим этувчи ҳамда ўз навбатида, у идоранинг матбуот билан муносабатларини ҳам йўлга кўювчи фаолият турди. Ахборот хизмати ходими, албатта, билимли, малакали ва фаол бўлиши шарт. Бу қайсиdir идора ёки ташкилот фаолиятининг муваффақиятига турти бўлса, аксинча, профессионал бўлмаган ходимнинг ахборот хизматига тавсия этилиши ўша идора ёки ташкилотнинг обрўсиз-

ланишига олиб келиши мумкин.

— Бугун глобал ахборотлашув асрида ахолининг ахборотга эҳтиёжини қондириш, уларга муайян идора фаолияти тўғрисида холис ва ҳаққоний ахборотларни тақдим этиш, биринчи навбатда, ахборот хизматларининг асосий вазифаси ва масъулияти ҳисобланади. Хуқуқий эксперимент жараёни ўтказилаётгани муносабати билан айрим ташкилот ва идоралар томонидан ахборот хизматига тавсия этилган бир неча шахсларнинг бу вазифага номусобилигини билдиришимизга тўғри келди. Бу ахолининг ахборотга эҳтиёжини хеч қандай тўсиксиз қондиришига турти бўлаётгани шубҳасиз, — деди Бухоро вилояти ҳокимлиги аппарати ахборот хизмати раҳбари, хуқуқий эксперимент ўтказувчи ишчи гурӯҳ масъул котиби Ақбар Рустамов. — Яна шунни таъкидлаш ўринлики, авваллари матбуот анжуманлари фақатгина вилоят ҳокимлиги аппарати ахборот хизмати томонидан ташкил этилган бўлса, эндилиқда бошқа бошқарув тузилмалари ахборот хизматлари ташкил этилиши билан бу йўналишда сезиларли силжишлар кўзга ташланди. Айнан ахборот хизматларининг жамоатчилик, оммавий ахборот веб-сайтлари ходими билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари йўлга кўйилиши орқали вилоят ҳокимлиги мансабдор шахслари томонидан 48 та, туман ва шаҳар ҳокимларни вакиллари томонидан 102 та, бошқа ташкилот ва идоралар вакиллари томонидан эса 2106 та — жами

2256 та чиқиш қилинди. Эксперимент субъектлари томонидан эса вилоят ҳокими, унинг ўринbosарлари томонидан 11 та, вилоят бошқармалари раҳбарлари томонидан 23 маротаба матбуот анжумани ўтказилди. Бу борада Бухоро вилоят ҳалқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, Ҳалқ банки, «Қишлоқ курилиш банки», божхона ва мудофаа ишлари бошқармалари фаоллигини алоҳида айтиш жоиз.

Бугунги кунда вилоядаги 76 та эксперимент субъекти ўз расмий веб-сайти ёки юкори органи веб-сайти таркибидаги веб-саҳифасига эга. Ушбу электрон манба орқали ахборот хизматлари ўз идоралари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни ҳар хафтада камидан бир маротабадан янгилаб боришаётгани, унда тақдим этилаётгани ахборотлардан ахоли ҳамда ОАВнинг тўсиксиз фойдаланаётгани вилоядага экспериментнинг жадал кечётганини англатади. Олиб боришаётгани ишлар натижасида веб-сайтлар фаолияти анча яхшиланяпти. Бугун вилоядага исталган идора ва ташкилот, бошқарма ёки маҳаллий ҳокимларни фаолиятига оид ахборотлардан веб-сайтлар орқали хабардор бўлиши имкони мавжуд. Бундан ташқари, веб-сайтлар орқали эксперимент юзасидан ахоли фикр-мулоҳазалари, сўров ва мурожаатлари ҳам тизимли равишда ёълон қилиб борилмоқда. Уз ўрнида фуқаролар, ОАВ ходимлари, жисмоний ва юри-

дик шахсларнинг сўровларига идора ва ташкилотлар томонидан веб-сайтлар орқали жавоб қайтариш меъёрлари белгилаб қўйилди. Хуқуқий экспериментнинг афзаллиги шундаки, фуқаро сўровига давлат органи раҳбари жавоб бериши учун, албатта, қонун талабларини бажаришига тўғри келади. Вилоядаги жисмоний ва юридик шахслар, оммавий ахборот веб-сайтлари сўровларига берилаётгани жавобларга тўхталаётган бўлсак, шу қисқа даврда Бухоро вилояти ҳокимлигига 176 та, шаҳар, туман ҳокимларига 244 та, корхона ва ташкилотларга 976 та — жами 1396 та сўров келиб тушган бўлса, уларга қонун лойиҳаси талаблари асосида жисмоний ва юридик шахсларга етти кундан ўн беш кунгача вақт ичди, ОАВ ходимларига эса бир кундан уч кунгача бўлган вақт мобайнида тегишли жавоблар қайтарилиган.

Бу каби саъй-ҳаракатлар эса ахборот эркинлигини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасида қўлланилаётгани хуқуқий экспериментни самарали амалга оширишга хизмат қиласи. Бир сўз билан айтганда, дунё мамлакатлари орасида кам учрайдиган, юртимиз тарихида эса илк бор ўтказилаётгани жараёнлар мамлакатимизда электрон тизимнинг янада барқарорлашувига турти бўлмоқда.

**Лайло ҲАЙТОВА,  
«Turkiston» мухбири**



## Тажрибали муаллима

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицейнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчи Ориқгул Одилова узоқ йиллардан бўён ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқда.

О. Одилова — «Академик лицейларда ҳозирги қорақалпоқ тили лексикологиясидан амалий ишлар» ўкув қўлланмаси муаллифи. Мехнат фаолияти давомида юзлаб шогирдлар тайёрлаган. Унинг илгор таълим андозалари асосида олиб бораётган дарслари нафақат ёшлар билимини оширишга, балки ёш ўқитувчилар учун ҳам ўзига хос тажриба манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

**СУРАТЛАРДА:** Ориқгул Одилова ўкувчилари билан.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат

## Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида анъанавий «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» мавзусидаги кўргазма бошланди.

**Унда 150 нафарга яқин иштирокчи**

— Тошкент шаҳридан ёш ҳунарманд ва тадбиркорлар, ўз инновацион ғоя ва ишланмаларига эга йигит-қизлар, таълим, ишлаб чиқариш, тижорат тузилмалари вакиллари қатнашмоқда.

Тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика «Хунарманд» уюшмаси, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигига ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринbosари Ш. Турдикулов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, ушбу соҳада меҳнат қилаётган ёшлар сафи кенгайиб бораётганини таъкидлади. Мамлакатимизда бу борада яратилган шароит ва имкониятлар туфайли ўз бизнесини ташкил этган аксарият ёшлар рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришини йўлга қўйиб, ахолига сифатли хизмат курсатаети. Ўтказилаётган мазкур кўргазма ёшлар ютуқларини оммалаштириш, уларнинг кичик бизнес ву хусусий тадбиркорликка қизиқишини кучайтириш, ташаббускорлиги, бунёдкорлик ҳамда ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришга хизмат қиласи.

Ана шундай ёшлардан бири — Қамарбек Жўраев пойтахтимизнинг Шайхонтохур тумани-

дан. У ўн икки йилдан бўён сават, курси ва бошқа шу каби маҳсулотлар тўкиш билан шуғулланади. Қамарбек 2011 йилда «Ташабbus» кўриктанловининг Тошкент шаҳар босқичида учинчи ўринни эгаллади. Ёш хунарманд давлатимиз томонидан тақдим этилган имконият ва имтиёзлардан унумли фойдаланган ҳолда, бир йўла икки корхона — «Qamar Yulduz Makoni» масъулияти чекланган жамияти ва «Guljahon Baraka» оиласиий корхонасини ташкил қиласи.

— Ҳозирги пайтда юз нафардан ортиқ шогирдим ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилмоқда, — деди Қ. Жўраев. — Ишчиларимизни зарур хомаш билин таъминламоқдамиз, улар уй юмушларидан бўш пайтларида маҳсулот тайёрлаш билан шуғулланаётир.

«Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» кўргазмаси иштирокчилари орасида Қамарбекка уҳшаган ташаббускор ва үддабурон ёшлар кўп. Бундан кейин уларнинг сафи янада кенгайиб бориши шубҳасиз. Зоро, тадбирда иштирок этажётгандарнинг аксарияти тенгдошлари ютуғини кўриб, ўз ишини ташкил этиш ҳақида жиддий ўйлаётгани ёш йигит-қизлардир. Кўргазмада уларга нафақат иштирокчилар, балки тегишли муассасалар мутахасислари ўз маслаҳат ва тавсияларини бермоқда.

Тадбир доирасида мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий салоҳияти, тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари, улар учун берилган божхона ва солиқ имтиёзлари, банқдан имтиёзлар кредит олиш тартибига бағишланган тақдимотлар ҳам ўтказилмоқда. Буларнинг барчasi кўргазма қатнашчилари ва бу ерга ташриф буюрувчиларга ўз ишини бошлаш ва кенгайтириш учун зарур маълумот олиш имконини беради.

**Сардор ТОЖИЕВ,  
ЎЗА мухбири**

# Нафосатга интилувчи ёшлар маскани

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар мусиқа ва санъат мактаблари»нинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрида ги қарорида белгиланганидек, юртимизда болалар мусиқа ва санъат мактабларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш ишлари изчил давом эттирияпти.



Ушбу қарорни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Тошкент вилоятидаги мусиқа ва санъат мактабларида кенг ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда. Биз буни Ангрен шахридаги 9-, 10-, 23-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабларида бўлганимизда яқюл хис этдик.

Шаҳар халқ таълими бўлимининг илгариги биноси ўрнида янгидан қад ростлаган 9-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби ўзига хос фусункорлик ва кўркамлик касб этган. Қуонарлиси шуки, ушбу маскандаги янги ўкув биносига ҳамоҳанг тарзда иккни юз ўринли қўшимча концепт зали, ёзги эстрада саҳнасининг қуриб фойдаланишга топширилганиниг айни мудда бўлди.

Ўз бағрига 250 нафардан зиёд ўкувчиларни сифдира олган ушбу даргоҳда йигирма нафар юқори малакали мутахассис ёшларга ўзбек ва рус халқ чолғу асбоблари, рақс, тасвирий санъат, скрипка, хор, мусиқа наза-

рияси, фортециано, эстрада ва анъанавий кўшикчилик

йўналишлари бўйича сабоқ беради. Мактабда кўп йиллар самарали меҳнат қўнглигидаги «Ангрен-қурувчи-инвест» корхонасининг Раҳматилла Тўлабоев, Шокиржон Раҳимов, Ҳамдам Турдиев сингари қўли гул қурувчиларининг хиссаси катта бўлди. Синфоноалар ва даҳлизлар замонавий жиҳозлар, мусиқа ва тасвирий санъатга оид плакатлар билан таъминланганлиги кишини қувонтиради. Айни кунларда эса машғулотларда тўлақонли фойдаланиш учун барча турдаги чолғу асбоблари, зарур жиҳозлар келтирилмоқда.

Мактабда яхши бир анъана қарор топган: иқтидорли болаларга алоҳида этибор билан ёндашилади. Ҳар бир кўрик-танловда иштирок этган иқтидор сохиби мактаб маъмурити томонидан ўз вақтида рағбатлантирилади. Рақс оламига ўкувчиларни қизиқтириш мақсадида эса

рақс йўналишидаги ўкувчилар учун турли миллат ва элатлар либосларининг тайёрланаётганини этиборга молик. Болаларнинг мусиқа ва санъатга қизиқиши тобора ортиб бораётганини этиборга олиниб, ўкувчилар зарур кўлланма ва китоблар билан таъминланмоқда.

— Режаларимиз янада катта, — дейди мактаб директори Бурҳон Абдуллаев. — Мактабимизнинг ўкув моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаб бораётганини. Яқин вақтлар ичидаги эса драма театри, ҳайкалтарошлик, зардўзлик ва ўймакорлик бўлимларини очмоқчимиз.

Ангрен шахрида фаол иш олиб бораётган билим даргоҳларидан янада бир 10-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабидир. Ушбу билим даргоҳида Лидия Сокалова, Сиддиқон Абдалимов, Абдулла Холиқулов, Анастасия Долгих, Абдураҳим Ўролов каби ўз касбининг устаси бўлган ўқитувчилар меҳнати, изланишлари туфайли иқтидорли ўкувчиларнинг янги кирралари кашф этиляпти.

Бу борада Шаҳзод Абдукулов, Юлия Гладрова, Ҳилола Мавзутдинхонова, Никита Ахунов сингари иқтидорли ўкувчиларнинг турли нуғузли танловларда совриндорлар сафидан ўрин эгаллаганлиги дикката сазовор.

Шаҳардаги 23-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳам айни кунларда синфоноаларни зарур анжомлар, ўкув-услубий жиҳозлар билан бойитиш ишлари қизғин давом эттирияпти. Бу борада илғор ўқитувчилардан Вонҳиджон Абдувалиев, Галина Инжиковата, Флюра Шегаева, Дилноза Холматова, Мардана Бойбобоеванинг фаолияти самарали кечмоқда. Энг муҳими, мусиқа ва санъат мактабларида нафосатга ошнолик, гўзаликка интилиш туйғулари шакллантирияпти.

**Ашурали БОЙМУРОД,**  
«Turkiston» мухбири

 «Kamolot» sadosi

ҳокама қилинди.

— Бугунги тадбир орқали кўплаб анчадан бўён кўнгилга туккан саволларимга жавоб олдим, — дейди Ёзёвон қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежи ўкувчиси Муҳайё Эргашева. — Ҳукуқ-тартибот органи вакилларидан биз, ёшларга яратилган имкониятлар ҳақида зарур маълумотлар, ўз қизиқиш ва интилишларимизни юзага чиқариш бўйича йўналишлар олдик.

Тадбирда тўққиз юз нафарга яқин ёшлар иштирок этди.

**Нодиржон ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» мухбири

## Самимиликка ўғрилган сұхбат

Фарғона вилоятидаги Ёзёвон қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар колледжида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ёзёвон туманинде кенгаши ва туман прокуратураси ҳамкорлигидаги тадбир ташкил этилди.

Тадбирда юртимизда ёшларга яратилаётган имкониятлар, уларни қўллаб-куватлаш, иқтидорли ёшларнинг ноёб истеъодини рўёбга чиқариш, уларга кўмак бериш борасида амалга оширилаётган ишлар, бир сўз билан айт-

гана, эртамиз эгаларини ҳар томонлама баркамол авлод этиб камол топтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, туманда ёшлар камолоти йўлида олиб борилаётган ишлар истиқболлари ҳам му-

 Bolalar musiqa va san'ati



Қовоқмисан, қовоқ!

Япониялик фермер Кодзи Уэно энг катта қовоқни етишиди. Полиз экини нақ 481,5 килограмм тош босди.

Ҳакамларни лол қолдирган фермер Японияда анъанавий ўтказиладиган «Япониянинг ўнда 27 йилдан бўён ўтказиб келинади. Унда мамлакатнинг барча дехқонлари ўз маҳсулотлари билан қатнашади. Бу йил унда 31 нафар дехқон ўз қовоқлари билан иштирок этди. Улардан баъзиларига мусобақага келишлари учун юк машина юборилди. Кодзи Уэно эса яқинда АҚШда ўтказиладиган гигант қовоқлар танловида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритди.

## Илон самолётда

Австралияning «Qantas» авиакомпанияси самолёти бортида илон борлиги сабабли, авиарейс бекор қилинди.

Сиднейдан Токиога парвоз қилишига бир неча дақиқа қолганда «Boeing-747» авиалайнери ичидаги сариқ ранги, ўртача узунлиқдаги илон йўловчиларни саросимага солди. Борт кузатувчилари салон ичидаги илонни ўқотиб кўйиши ва натижада рейсни тұхташига мажбур бўлишди. Махсус мутахассислар деярли кун давомида илонни қидиришди. Номаълум сабабларга кўра, бортдаги 370 нафар йўловчи бошқа самолётга кўчирилмаган. Улар Сиднейдаги мемонхоналардан бирида кун мобайнида қолиб кетишиди.

## Тезлик манзилга етказмади

Англияning Шимоли-шарқида юк машинаси билан салонида ёш болалар бўлган автобус тўқнашди.

Натижада йигирма киши турли даражада тан жароҳати олди. Кендал шахрида соидир бўлган ҳалокатдан сўнг автобус ҳайдовчиси гумондор сифатида кўлга олинди. Айрим гувоҳларнинг сўзларига кўра, автобус белгиланган меъердан тез юрган. Шифохона маъмурияти жароҳатланганлардан уч нафарининг аҳволи оғир эканини маълум қилган. Фалокат аҳоли яаш пунктидан узоқда соидир бўлгани сабабли, тез тиббий ёрдам хизматига бир неча машина билан бирга вертолёт ҳам керак бўлди.

## Гаровдагилар қутқарилди

Кения полицияси Найробидаги савдо марказида террорчилар томонидан гаровга олинган одамлардан юз нафаридан кўпрогини қутқарди.

Террорчиларнинг хужуми вақтида гаровдагиларга ёрдам берилган. Шунингдек, Кения ички ишлар вазирилиги матбуот хизмати жиноятчилар тезда кўлга олиннишини, улар тобора сикилиб колаётганини айтган.

Эслатиб ўтамиз, Найробидаги «Уэстгейт» савдо маркази бир неча кун олдин Сомалининг «Аш-Шабоб» ақидапарастлар гурӯши жангарилари томонидан эгаллаб олинган эди. Ҳозирча ўн нафар террорчи кўлга олинган, учтаси хужум вақтида ҳалок бўлган. Хужум натижасида оддий аҳолидан 69 киши ҳалок бўлган, 63 киши бедарак йўқолган.

Интернет манбалари асосида  
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади

# Тинчликдан бошланар ҳаёт чамани

Ҳар куни эрталабдан университет томон отланаман. Йўлда ўтган-кетгандарга, атрофдагиларга назар соламан. Ҳамма хотиржам, ўз иши билан банд. Буни кузата туриб, хаёлимдан бир фикр кечади: бу ҳаммаси юртимиз тинчлиги, халқимиз ҳаёти фаровонлиги шарофатидир.

Тинчлик — олий неъмат. Унинг замирида чуқур маъно мужассам. Тинчлик, осоишталик ҳукм сурган юртда тараққиёт янгидан янги босқичларни забт этиб, унда камолга етадиган ўғил-қизлар тафаккурида фақат бунёдкор, эзгуликка йўғрилган фоялар чарх уради.

Тарихий манбалардан маълумки, турли сабабларга кўра Ватандан узокда яшаган мусофирилар ҳар доим киндик қони тўкилган заминга талпиниб яшаган, юрт дийдори умр бўйи улар кўқисда армон бўлган. Улкан давлат барпо этган, илм-фан, адабиёт ва

санъатда ўчмас из қолдирган шоҳ ва шоир Бобур мирзанинг Хиндишонда улкан салтанат тусса-да, юртимиздан борадиган ҳар бир хабарга муштоқ бўлгани, унинг мева-ларини кўрганида мижжасида ёш қалқигани ҳам Ватанини кўмсаш, унга ташналидан эди.

Истиқол тифайли Ватанимиз осуда, сарҳадларимиз мустаҳкам, турмушимиз фаровон бўлиб, дастурхонари-миз нозу неъматга тўлди. Ўтган йилларда мамлакатимида қўлга киритилган ютуқларнинг энг залворлиси, шубҳасиз, тинчлик, ижтимоий-



сиёсий барқарорликдир. Айни кунда дунёнинг турли бурчакларидаги нотинчлик ҳукм суроётган, биз қатори ёшлар илм-хунар ўрганиши ўрнига ҳавои, баландпарвоз гап-сўзларга алданиб юрган бир пайдада жонахон Ўзбекистонимизнинг фарзандлари илм-фанди, спортда улкан муваффакиятларни қўлга киритмоқда. Бу ўзини англаган, тинчликни қадрловчи ҳар бир тенгдошимиз учун бе-

баҳо баҳтдир. Мустақиллик бамисоли баҳорги шабада янглиг ҳузурбахшdir. Шунингдек, жамиятда янги барпо бўлган ҳар бир оиланинг эртанги куни бугунгидан-да фаровон, юрт келажаги янада нурафшон бўлишида тинчликнинг ўрнини босувчи бирор нарса йўқ.

**Дилором  
АБДУҲАМИДОВА,  
ЎзМУ талабаси**

Jurnalning yangi soni

## Миллий қонунчилигимиз кўзгуси

«Демократлаштириш ва инсон хукуқлари» журналининг навбатдаги сони нашрдан чиқди.



Журналдан ўрин олган Ўзбекистон Республикаси Олий Маъллиси Конунчилик палатаси Сипири ӯринбосари Улуғбек Мухаммадиевнинг «Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш — парламент фаолиятининг устувор йўналиши сифатида», Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Фулом Мирзазевнинг «Истиқол — абадий, истиқол шукухи — бебаҳо» мақолалари мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишиланиб, уларда ўтган йиллар мобайнида юртимизда эркин демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш, қонунчиликни янада тақомиллаштириш борасида амала оширилган ислоҳотлар ҳакида сўз юритилади.

«Хуқуқ назарияси» руқнида Вазирлар Махкамаси ҳузуридан Тошкент ислом университети катта илмий ходими-излувчуси Диляфрўз Каримованинг «Болаларни заарали ахборотлардан ҳимоялашнинг конуний асослари» сарлавҳали мақолоси ёш авлоднинг соғлом тафаккури ва маънавияти учун заарали ахборотлар, унинг ҳуқуқий оқибатлари, миллий қонунчилигимизда бунга кўриладиган чоралар ҳақида етарли маълумот беради. Шунингдек, журналдан мамлакатимизда инклюзив таълимни тақомиллаштиришнинг ҳуқуқий асосларига, таълим соҳасидаги ислоҳотларга, трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишнинг халқаро ҳуқуқий асосларига бағишиланган долзарб мақолалар ҳам ўрин олган.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА

## Маҳаллага ёшлар кўмаги

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирга олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаоллари, диний маърифат ва маънавий-аҳлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчilar таклиф этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда таълим тизимининг барча бўғинларини ислоҳ этиш жараёнида олий таълимни сифат ва мазмун жиҳатдан тобора юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 20 майда қабул қилинган «Олий таълим мусасасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш тўғрисида»ги қарори бу борода мұхим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятида таълим маскенларидаги давоматни янада яхшилаш, ёшларнинг билим олишга қизиқиши ва интилишини кучайтиришга қўмаклашиш мұхим ўрин тутади. «Обод турмуш йили» давлат дастури доирасида мазкур жамоат ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда «Маҳалламга қандай қўмак бердим?», «Ёшлар — иллатларга қарши» каби ижтимоий лойиҳаларни муваффакиятли амалга ошириди. Лойиҳалар доирасида ёш

педагог кадрлар, иқтидорли талабаларнинг салоҳиятидан унумли фойдаланган ҳолда маҳаллалар, ёзги дам олиш оромгоҳлари, махсус мактаб-интернатларда болаларнинг бўш вақтини тўғри ва самарали ташкил этиш, уларни «оммавий мадданият»нинг зарарли таъсиридан ишончли химоялаш, ободонлаштиришга оид кўплаб амалий ишлар бажарилди.

— Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида эллиқдан зиёд маҳалла бор, — дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бошлангич хотин-қизлар ташкилоти раиси Матлуба Исоқова. — Ёзги тавтил давомида иқтидорли талаба ёшлар маҳаллаларда ёшлар билан мунтазам иш олиб борди. Тикиш, тўқиши, спорт, актёрлик ва нотиклик маҳоратига оид тўғараклар ташкил этиб, юртимизда ёшлар камолоти йўлида кўрсатилётган эътибор ва ғамхўрликнинг моҳиятини кенг тушунтиришга оид сухбатлар, учрашувлар ўтказдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Боз вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

## Полвонимиз ғалабаси

Эркин, юон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича Венгрияда ўтказилган жаҳон чемпионати тугади.

Мусобақада хамюртимиз Элмурод Тасмуродов бронза медални кўлга киритди. Турнирда кучилар сафидан ўрин эгаллаган спортчимиз олтмиш килограмм вазн тоифасида Тоннимир Сокол (Хорватия), Дмитро Цимбалюк (Украина), Казума Курамото (Япония) ва Алмат Кебиспаев (Қозоғистон) каби спортчиларни мағлуб этди. Навбатдаги эркин, юон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича жаҳон чемпионати 2014 йилда Тошкентда ўтказилади.

## Футзалчилар баҳси

Футзал бўйича Ўрта Осиё минтақаси чемпионати саралаш босқичлари 5-7 ноябрда Тошкентда ўтказилади.

Терма жамоамиз вакиллари «А» гурух баҳсларида Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон термасига қарши тўп суради. Мусобақалар «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўтказилади. Спортчиларимизнинг биринчи ўйини Туркманистон термаси вакилларига қарши 5 ноябр куни соат 18:00 бўлиб ўтади.

Эслатиб ўтамиш, 2012 йилги Осиё чемпионати БААда ўтказилган, унда ҳаморларимиз чорак финалга чиқишганди.

## Футболимизда янги қадамлар

Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Миржалол Қосимов келгуси йилнинг январида терма жамоадаги мураббийлик фаолиятини тутатади.

М.Қосимов ўрнига терма жамоамизни швециялик Свен Йоран Эриксон ёки сербиялик Бора Милутинович бошқариш эҳтимоли мавжуд. Шунингдек, Аргентина футболи афсонаси Диего Марадона Осиё футбол жамоаларига қизиқиши билдиргани боис, унинг термамиз бош мураббийлигига фаолият юритиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

## Самарқандда яна бир мусобақа

Бугун Самарқандда байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Осиё чемпионати старт олди.

Турнирда мингдан ортиқ мамлакатнинг ўттиздан зиёд спортчилари иштирок этади. Шунингдек, мусобақа билан бирга, байдарка ва каноэда эшкак эшиш спорти бўйича анжуман ҳам бўлиб ўтади. Тадбирда ушбу спорт турини янада ривожлантириш масалалари кўрилиши кўзда тутилган. Мусобақа 29 сентябрга қадар давом этади.

**Жавохир КАРОМАТОВ,  
«Turkiston» мухбири**

### YON DAFTARCHANGIZGA

Сигирнинг сути — тилида,  
Эрнинг қути — элида.

**Ўзбек ҳалқ мақоли**



### МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон  
Республикаси  
Матбуот ва ахборот  
агентлигига 2007  
йил 19 апрелда  
№ 0242 рақам  
били рўйхатдан  
ўтган.



ISSN 2010-6998

### Бош мұхаррир:

Ашурев Салим Тўраевич

### Таҳир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Мехриздин Шукров (бош мұхаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош мұхаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодежь Узбекистана»), Рустам Қосимов

### Навбатчи мұхаррир:

Юсупов

Рустам

Қўчкорович

Газета таҳририят компьютер  
марказида терили ва  
саҳифаланди.

Газета таҳририят компьютер  
марказида терили ва  
саҳифаланди.

### Манзилимиз:

100083, Тошкент,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

### Телефонлар:

(371) 233-95-97. (371) 233-79-69

e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида, А-3 форматда  
чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Индекс: 203, 3203

Баҳоси келишилган нарҳда.

Босиша топшириш вақти — 21.00  
Топширилди — 00.30  
ЎЗА якуни — 22.10  
Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6